

Ҳаммага етказдинг



08:00 / 08.07.2020 2088

Муовиянинг олдига ироқликларнинг вакиллари келишди. Уларнинг орасида Аҳнаф ҳам бор эди. Бир киши туриб, «Мўминларнинг амири сизларга ҳеч ким ўзидан бошқа одам ҳақида гапирмасликни буюради», деди.

Муовиянинг олдига етиб келишгач, Аҳнаф туриб, «Мўминлар амирининг буйруғи бўлмаганда, бўлиб ўтган барча мусибат ва бало-офатлар ҳақида, мўминлар амири кўрсатадиган марҳаматга эҳтиёж тушадиган барча нарса ҳақида айтиб берган бўлар эдим», деди. Шунда Муовия: «Эй Абу Баҳр, етарли. Бу ерда борларга ҳам, йўқларга ҳам кифоя қилдинг», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан